

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 29 август, № 177 (7407) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА



Ерниязов Муса Тажетдинович



Муротова Лола Неъматовна



Нормурадов Хасан Норбекович

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, Ватанимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги улкан хизматлари, сўнгги йилларда юртимизда жадаллик билан олиб борилаётган туб ислоҳотлар жараёнидаги ташаббускорлиги ва фидойилиги, давлат ва халқ манфаатларини рўёбга чиқариш йўлидаги фидокорона меҳнати, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маънавий соҳалардаги кўп йиллик самарали ва ибратли фаолияти, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон — **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин:

**Ерниязов Муса Тажетдинович** — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси

**Муротова Лола Неъматовна** — Фарғона вилояти Олтиариқ тумани «Нурли обод» фермер хўжалиги бошлиғи

**Нормурадов Хасан Норбекович** — «Нуроний» жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 28 август

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш, миллий ғояни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ва серқирра ижоди, илмий-инновацион фаолияти, самарали хизматлари, ёш авлодни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар билан тақдирлансин:*

**«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»**

**Турсунназаров Йигитали** — Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти профессори, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи»**

**Турдиева Кавсар Шералиевна** — Тошкент педиатрия-тиббиёт институти ўзбек, рус ва лотин тиллари кафедраси мудири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»**

**Алимова Халида Рауфовна** — Жиззах вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори

(Давоми 4-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Тиллаволдиев Адхамжон** — Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи

**I даражали «Шон-Шараф» ордени билан**

**Абдуллаханов Равшан Нариманович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**II даражали «Шон-Шараф» ордени билан**

**Ёзиев Гайратулла Хабибуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Эшматов Алиёр Тухтабоевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**«Мардлик» ордени билан**

**Абдиев Равшан Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Арипов Тохир Тулкинович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи

(Давоми 5-бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР




**Мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган.**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

**Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!**

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан Хитой ҳукумати ва халқи номидан, шахсан ўз номимдан Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига самимий табриклар ва энг эзгу тилаклар билдиришга ижозат бергайсиз.

Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келмоқдаман, Сиз билан ўртамиздаги самарали ишчан ва шахсий алоқаларни юксак қадрлайман.

Сиз билан сиёсий ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, икки мамлакат ва халқлар фаровонлиги учун Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини узлуксиз ва изчил ривожлантиришга эришиш мақсадида «Бир макон, бир йўл» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳамкорликни чуқурлаштиришга биргаликда саъй-ҳаракат қилишга тайёрман.

Дўст Ўзбекистонга тараққиёт ва куч-қудрат, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

**Си ЦЗИНЬПИН,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

**Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!**

Миллий байрам — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан энг самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Мамлакатингиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт борасида ғоят салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Ўзбекистон ҳақли равишда дунё майдонида юксак нуфузга эга бўлиб бормоқда, минтақавий ва халқаро масалаларда конструктив роль ўйнамоқда.

Давлатларимиз ўртасидаги азалий анъанавий дўстлик, ўзаро ҳурматга асосланган муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланаётганини катта мамнуният билан таъкидлайман.

Ишончим комилки, биз бундан кейин ҳам халқларимиз фаровонлиги, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашда давом этамиз.

Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, чин юракдан сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, барча юртдошларингизга фаровонлик ва тараққиёт тилайман.

Эҳтиром ила,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

**Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!**

Сизни ва Ўзбекистон халқини Америка халқи номидан 1 сентябрь — мамлакатингиз мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан табриклайман.

Сизнинг Оқ уйга ташрифингизни ёдга олиб, мамлакатларимиз ўртасида сўнгги йилларда мустаҳкамланиб бораётган стратегик мулоқотларни юқори баҳолашимни таъкидлашни истар эдим.

Шунингдек, Сизнинг Ўзбекистон аҳлига хизмат қилувчи янада мустаҳкам, шаффоф ва масъулиятли ташкилотлар яратиш орқали мамлакат келажагига содиқлигингизни қадрлайман.

Сизнинг муваффақиятли ютуқларингизда шерик бўлишдан ғурурланамиз.

Сизга ва Ўзбекистон халқига келгуси йиллар барқарор ва самарали бўлишини тилайман. Янада яқинроқ ҳамкорликни қизғин кутиб қоламан.

Ҳурмат билан,

**Дональд ТРАМП,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 24 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги 938–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4–5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **43-модда**:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза бевосита манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига берилади»;

**олтинчи – тўққизинчи қисмлари** тегишинча **еттинчи – ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) қуйидаги мазмундаги **$53^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$53^{1}$-модда. Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсиялар тўлаш**

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсиялар тўлаш манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тегишли пенсиялар суммаларини маҳкумларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказиш орқали амалга оширилади»;

3) **62-модда** «бундан манзил-колонияларда жазони ўтаётган шахслар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **29-модданинг биринчи қисми** «протестни эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида ажрим чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда кўриб чиқиш» деган сўзлардан кейин «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **36-модданинг**:

**биринчи қисми** «шунингдек эҳтиёт чорасини ушбу Кодекснинг 240 ва $243^{1}$-моддаларига мувофиқ бекор қилишга ёки ўзгартиришга» деган сўзлардан кейин «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома беришга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисми** «уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш» деган сўзлардан кейин «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **$38^{1}$-модданинг**:

**биринчи қисми** «шунингдек эҳтиёт чорасини ушбу Кодекснинг 240 ва $243^{1}$-моддаларига мувофиқ бекор қилишга ёки ўзгартиришга» деган сўзлардан кейин «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома беришга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисми** «уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш» деган сўзлардан кейин «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) қуйидаги мазмундаги **$28^{1}$-боб** билан тўлдирилсин:

**«$28^{1}$-боб. Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш**

**$254^{1}$-модда. Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш мақсади ва асослари**

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш, унинг бундан кейинги жиноий фаолиятининг олдини олиш, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Айбланувчи ёки судланувчи паспортдан (ҳаракатланиш ҳужжатидан) фойдаланиб, Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиши ёки хорижда ҳаракатланиши мумкин, деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлса, мазкур паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши тўхтатиб турилиши мумкин.

Айбланувчи паспортининг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги масала ушбу бобда белгиланган тартибда, судланувчи паспортининг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги масала эса, ушбу Кодекснинг 423-моддасида назарда тутилган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш фақат давлатлараро ёки халқаро қидирув эълон қилинган айбланувчига ёки судланувчи шахсга нисбатан қўлланилади.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тугатишга ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳуқуқий мақомини бекор қилишга сабаб бўлмайди.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш деганда паспортнинг, биометрик паспортнинг, хорижга чиқиш учун биометрик паспортнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилишини вақтинчалик тўхтатиб туриш тушунилади.

**$254^{2}$-модда. Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш**

Прокурор, терговчи, суриштирувчи паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асосларини баён этган ҳолда қарор чиқаради.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорда паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш зарурияти юзага келишига сабаб бўлган асослар баён қилинади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Суриштирувчининг, терговчининг паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарори ва зарур материаллар прокурорга юборилади.

Прокурор паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорни ва зарур материалларни судга юборади.

**$254^{3}$-модда. Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш**

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимоснома суриштирув ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда эса, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимоснома материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соатдан кечиктирмай ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади.

Суд мажлисида прокурор, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, ҳимоячи ва қонуний вакил иштирок этади. Зарур ҳолларда суриштирувчи, терговчи судга чақирилиши мумкин.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланиб, у давлатлараро ёки халқаро қидирув эълон қилинган айбланувчи ёки судланувчи паспортининг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиш заруриятини асослаб беради. Сўнгра ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) чиқади.

**$254^{4}$-модда. Суд ажрими**

Судья паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида;

2) паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туришни рад этиш ҳақида.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги судьянинг ажримида: қидирув эълон қилинган айбланувчи ёки судланувчи ҳақидаги маълумотлар; паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш асослари кўрсатилади.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туришни рад этиш ҳақидаги судьянинг ажрими асослантирилган бўлиши керак.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги ёки паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туришни рад этиш ҳақидаги судьянинг ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Судьянинг ажрими ижро этиш учун прокурорга, маълумот учун эса, ҳимоячига юборилади.

Судьянинг ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан қирқ саккиз соат ичида айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимоячиси ва қонуний вакили томонидан шикоят берилиши ёхуд апелляция тартибида прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажримни чиқарган суд орқали берилиб, мазкур суд қирқ саккиз соат ичида уларни материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт.

Шикоят ёки протест бериш паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги судьянинг ажрими ижросини тўхтатиб туради.

Апелляция инстанцияси суди мазкур материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соатдан кечиктирмай кўриб чиқиши керак.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса, қаноатлантирмасдан қолдиришга;

судьянинг ажримини бекор қилишга ва паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туришга ёки паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туришни рад этишга ҳақли.

**$254^{5}$-модда. Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги суд ажрими устидан шикоят бериш**

Паспортининг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши тўхтатиб турилган шахс паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги судьянинг ажрими устидан у тегишли ваколатли органга келтирилган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичида суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

**$254^{6}$-модда. Амал қилиши тўхтатиб турилган паспорт (ҳаракатланиш ҳужжати) ўрнига янги паспорт (ҳаракатланиш ҳужжати) бериш**

Айблов ҳукми чиқарилганда ёки ушбу Кодекснинг 84-моддаси асосида айбдорлик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилганда суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг қарорига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда янги паспорт (ҳаракатланиш ҳужжати) берилиши билан паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши тикланади»;

5) **302-модданинг биринчи қисми** «ёки уй қамоғига жойлаштирилгани» деган сўзлардан кейин «паспортининг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши қонунга хилоф равишда тўхтатиб турилгани» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **310-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонунга хилоф равишда ҳукм қилинганлиги ёки ишда айбланувчи, судланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинганлиги муносабати билан паспортининг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши тўхтатиб турилган шахсга янги паспорт (ҳаракатланиш ҳужжати) бериш йўли билан паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши тикланади»;

7) **345-модданинг иккинчи қисми** «175» рақамидан кейин «моддаларида, 177-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **$381^{2}$-модда биринчи қисмининг 3-бандидаги** «177» рақами «177-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **382-модданинг учинчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради»;

**тўққизинчи – ўн олтинчи хатбошилари** тегишинча **ўнинчи – ўн еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

10) **423-модданинг иккинчи қисми** «Суд эҳтиёт чораларини қўллаш (ўзгартириш, бекор қилиш) тўғрисидаги» деган сўзлардан кейин «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **$17^{1}$-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситалари, шунингдек улар кузатиб келаётган транспорт воситалари томонидан йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ имтиёздан фойдаланган ҳолда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар махсус фото- ва видео қайд этишнинг автоматлаштирилган техник воситалари орқали қайд этилган тақдирда ҳамда кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажарганликни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда ҳайдовчиларнинг маъмурий қоидабузарлиги охирги зарурат ҳолатларида содир этилган деб топилади ва маъмурий иш ушбу Кодекснинг 271-моддасига мувофиқ тугатилади»;

2) **49 – $49^{3}$-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«49-модда. Меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, бундан била туриб ғайриқонуний ишдан бўшатиш мустасно, –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни вояга етмаган шахсга нисбатан содир этиш, –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**$49^{1}$-модда. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш**

Вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлигига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш, –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**$49^{2}$-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик**

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**$49^{3}$-модда. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш**

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш, –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) қуйидаги мазмундаги **$49^{4}$-модда** билан тўлдирилсин:

(Давоми 3-бетда).

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 2-бетда).

**«$49^{4}$-модда. Хорижий ишчи кучини Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузиш**

Хорижий ишчи кучини Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **50 – 51-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«50-модда. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат қўшимча кафолатларни таъминлайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини яратишга доир қарорларини бажармаслик, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маҳаллий меҳнат органлари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишни бўш иш ўринлари (вакант лавозимлар) мавжуд бўлгани ҳолда асоссиз равишда рад этиш, шунингдек иш ўринларининг белгиланган энг кам сони ҳисобидан иш ўринларига ишга жойлаштиришни асоссиз равишда рад этиш, худди шунингдек аввал талабнома берилган, касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этиш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**51-модда. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш**

Меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни вояга етмаган шахсга нисбатан содир этиш, –

энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **229-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«229-модда. Бўш иш ўринларини яшириш**

Бўш иш ўринларини (вакант лавозимларни) яшириш, бўш иш ўринлари (вакант лавозимлар) ёки ҳар бир ходим бўшатиб олиниши кутилаётганлиги тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида тақдим этмаслик, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасига ажратмаларни тўлашдан бўйин товлаш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

6) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «$49^{1}$, $51^{1}$» рақамлари «$49^{1}$, $49^{4}$, $51^{1}$» рақамлари билан алмаштирилсин;

7) **255-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«255-модда. Давлат меҳнат инспекциясининг мансабдор шахслари**

Давлат меҳнат инспекциясининг мансабдор шахслари ушбу Кодекс 49, $49^{2}$, $49^{3}$, 50, 51, 229-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақлидир:

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун – меҳнат бўйича давлат инспекторлари, меҳнат бўйича давлат ҳуқуқий инспекторлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун – меҳнат бўйича давлат инспекторлари, меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари, меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **45-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жазони ижро этиш муассасалари жумласига қуйидагилар киради:

жазони ижро этиш колониялари, шу жумладан даволаш ҳуқуқи асосидаги колониялар;

тарбия колониялари;

турмалар;

маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналар»;

2) қуйидаги мазмундаги **$52^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$52^{1}$-модда. Маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналар**

Маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналар бемор маҳкумларни сақлаш ва уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжаллангандир»;

3) **54-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи – тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ушбу муддат давомида маҳкум:

қариндошлари ёки бошқа шахслар билан бир марта қисқа муддатли учрашиш;

ўз шахсий маблағлари ҳисобидан тўланадиган, ўн беш дақиқа давом этадиган бир марта телефон орқали сўзлашиш ҳуқуқига эга.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар суд ҳукми билан белгиланган режимнинг турига мувофиқ жазони ижро этиш муассасаларига жўнатилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жўнатиш ушбу Кодекснинг 58-моддаси талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади»;

**иккинчи қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансин;

4) **59-модданинг биринчи қисмидаги** «Ихтисослашган даволаш муассасаларида» деган сўзлар «Даволаш ҳуқуқи асосидаги колонияларда ва маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналарда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **60-модда** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жазони ўташ жойига бораётган ёки бир жазони ижро этиш муассасасидан бошқа жазони ижро этиш муассасасига кўчирилаётган маҳкумларни вақтинча сақлаш учун жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналари ҳузурида транзит-жўнатиш участкалари ташкил этилиши мумкин. Маҳкумлар транзит-жўнатиш участкаларида режимининг тури суд ҳукми билан белгиланган жазони ижро этиш муассасасида ўзининг жазони ўташига оид шартлар асосида, ушбу Кодекснинг 58-моддаси талабларига риоя этган ҳолда сақланади. Маҳкумларни транзит-жўнатиш участкаларида сақлашнинг энг кўп муддати кўпи билан 20 суткани ташкил этади»;

6) **69-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жисмоний куч ишлатилиши натижасида маҳкумнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳолат тўғрисида прокурорга дарҳол хабар берилади»;

7) қуйидаги мазмундаги **$69^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$69^{1}$-модда. Маҳкум овқат ейишни рад этганда қўлланиладиган чоралар**

Маҳкумнинг овқат ейишни рад этганлиги факти аниқланганда муассаса бошлиғи ёхуд унинг ўрнини босувчи шахс бу ҳақда зудлик билан прокурорни хабардор қилади.

Овқат ейишни рад этадиган маҳкум имкон қадар бошқа маҳкумлардан алоҳида сақланади ва тиббиёт ходимининг кузатуви остида бўлади.

**Қиличева Раъно Ҳамидовна** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўлинмасининг катта инспектори

**Кодиров Жамшед Собиржонович** — Самарқанд шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

**Қурбанов Хуршидбек Хидирназарович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи

**Маликов Абдимажит Чутбаевич** — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

**Насруллоев Ҳаётжон Хабибуллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази директори

**Очилов Рахимжон Уктамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири

**Очилов Шавкат Очилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Раззақов Ҳасанбой Мирзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Андижон вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бош инспектори

**Рахимов Джумабай** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти кафедраси доценти

**Рўзимов Қудрат Кенжаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Хоразм вилояти ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлинма командири

**Сайдалиев Холматжон Ахматович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи

**Тажибеков Есенгелди Сапарбекович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлинма командири

**Умархонов Азизхон Шарипхонович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари

**Усманов Шермухаммад Курванбаевич** — Андижон вилоят прокуратураси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи

**Усмонов Бекмурод Темирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси батальони гуруҳи ходими

**Файзиев Олим Мардонович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси бошлиғи

**Хакимов Алишер Нуриддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Ходжимуратов Шамсиддин Каримкулович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сирдарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси назорат хизматининг бош инспектори

**Худаяров Джурабек Умаралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма катта офицери

**Чориев Муродали Бараталиевич** — Сурхондарё вилояти Давлат божхона бошқармаси “Болдир” темир йўл чегара божхона пости бошлиғи

**Эшмуродов Баходир Турсункулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм лаборатория бошлиғи

### «Шуҳрат» медали билан

**Абсаламов Бахтиёр Набиевич** — Жиззах вилояти Дўстлик тумани Давлат солиқ инспекцияси ҳисоботлар ва бюджет даромадларини прогнозлаштириш сектори бош давлат солиқ инспектори

**Акбаров Дилшоджон Жакбарович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази цикли катта ўқитувчиси

**Аширбаев Одилбек Аминбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Ашурова Маъмура Абдирасуловна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари тезкор гуруҳи назоратчиси

**Бердикулов Сирожжон Насипкулович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси цикл бошлиғи

**Джураев Бозарбай Абдукулович** — Сирдарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси ички аудит бўлими бошлиғи

**Зиганшина Гузал Равилевна** — Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси

**Зокиров Азизжон Абдипаттоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи секция командири

**Имамов Фаёз Акбарович** — Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармаси ички аудит бўлими бошлиғи

**Камбаров Махмуджан Рахматович** — Тошкент вилояти Тошкент туман прокурорининг катта ёрдамчиси

**Қобилов Санжар Салимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи тўп командири

**Қўзибоев Искандар Фахриддинович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси Янгийўл тумани фавқулодда вазиятлар бўлими катта офицери

**Нурлипесов Амир Отепович** — Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг судьяси

**Оллазаров Тўлқинбек Қадамбоевич** — Хоразм вилояти Хива тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Рахимов Шукурилло Рузматович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Хоразм вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — бўлим бошлиғи

**Саттаров Музаффар Шанозарович** — Қашқадарё вилояти Нишон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Скворцова Ирина Евгеньевна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий суд-тиббий ва патологик анатомия лабораторияси лаборатория мудираси

**Содикова Шахноза Хашимовна** — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим бошлиғи

**Улугов Кахрамон Худайназарович** — Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Уразметов Махмуд Бабажанович** — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликлар профилактикаси катта инспектори

**Уринов Санжарбек Ботиржон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Файзуллаев Фаррух Шарофович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона тўловлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Хатамов Иброхим Абдухакимович** — Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар адлия бўлими бошлиғи

**Холматов Ойбек Одилевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи йўриқчиси — тўп командири

**Хўжаназарова Максуда Мухаммадиевна** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Шайназаров Исроил Мурадуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисми техник назорат бўлими бошлиғи

**Ширинов Шермамат Туракулович** — Навоий вилояти Навбаҳор тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 28 август

# АНИҚ ЧОРАЛАР ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ЎРНАТИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

*Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳамда экспертлардан иборат парламент ишчи гуруҳи томонидан Сурхондарё вилоятида тадбиркорлик ривожи йўлидаги долзарб масалалар ўрганилганда, одамлар билан мулоқотлар бу борада ҳудудда жиддий муаммолар борлигини кўрсатди. Хусусан, йил бошидан буён фаолият юритмаётган кичик бизнес субъектларидан атиги 24 тасининг иши тикланган, холос. Бу эса шу каби корхоналарнинг муаммолари юзасидан тизимли равишда иш олиб борилмаганини кўрсатади. Вилоятда тадбиркорлик фаолиятини ташкилий қўллаб-қувватлаш самарали ташкил этилмагани оқибатида бугунги кунга қадар умумий қиймати 823,2 млрд. сўмлик 184 та лойиҳа ўз муддатида ишга туширилмаган.*

## Парламент ҳаёти

Бу каби масалалар ва рақамлар халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида муҳокама қилинди. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида кооперация алоқалари тизимли йўлга қўйилмагани ҳам қайд этилди.

Шу билан бирга, вилоятда “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, айниқса, ёшлар тадбиркорлиги ва ташаббусларини рўёбга чиқариш борасидаги ишлар самарадорлиги ҳам пастлигича қолмоқда. 2019 йилга мўлжалланган мазкур дастур шу кунга қадар вилоятда бор-йўғи 15,2 фоиз бажарилган.

— Вилоят иқтисодиёти, асосан, аграр соҳада бўлиб, ҳудудда енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланмоқда, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Одилжон Иминов. — Аммо ҳудудда саноат ва қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш тармоқларини жадал ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини тараққий топтириш — куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди. Бу мақсадларга эришишда, аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур. Жумладан, бугунги кунда Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони қарийб 14,5 мингга етиб, ўтган йилдагига нисбатан 2 мингдан зиёдга кўпайган. Вилоят аҳолисининг қарийб 235 минг нафари айнан кичик бизнес субъектларида банд эканлиги ҳам мазкур соҳанинг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни муҳим эканлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, мажлисда кредитлашнинг бирламчи талаблари етарлича инобатга олинмагани, банклар ҳамда уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатларнинг лозим даражада йўлга қўйилмагани — тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган яна бир муаммо эканлигига алоҳида урғу берилди. Бу йўналишдаги камчиликлар оқибатида бугунги кунда вилоятда муддатида қайтарилмаган кредит ва фоиз тўловларидан жами 244 млрд. сўмлик муаммоли қарздорликлар юзага келган. Бундай ҳолат тижорат банкларининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши баробарида, миллиардлаб сўмлик маблағларни тадбиркорлик ривожи учун қайта йўналтириш имконини ҳам чекламоқда.

Сессияда сўзга чиққанлар қайд этилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан вилоят ташкилотларини жалб қилган ҳолда вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган аниқ чораларни белгилаб олиш ҳамда уларнинг ўз вақтида ижро этилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатиш лозимлигини таъкидлади.

Сессия ишида Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева иштирок этди.

**Илҳом РАҲМАТОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# КЕЧИРИМЛИЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

*Кейинги йилларда халқимизга хос бўлган кечиримлилик, инсонпарварлик тамойили ҳаётимиздан тобора мустаҳкам жой эгаллаб бормоқда.Охирги уч йилда Президентимиз томонидан 7 марта афв эълон қилиниб, 3952 нафар шахс кечирилгани мисолида ҳам буни кўриш мумкин. Натижада қанчадан-қанча оилаларнинг бағри тўлди. Куни кеча давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармон яна кўплаб қалбларга шодлик улашди. Бу ҳужжат мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллик байрами арафасида қабул қилингани ҳам жуда катта маъно-мазмунга эга бўлиб, бугунги оқилона сиёсатнинг, бағрикенглик тамойилларининг навбатдаги ёрқин тасдиғига айланди.*

## Муносабат

**Шухрат УСМОНОВ,**
**“Нуроний” жамғармаси Республика бошқаруви раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия аъзоси:**

— Ҳақиқатан ҳам, Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллиги юртимиздаги кўплаб оилаларда қўшалоқ байрамга айланадиган бўлди. Гап шундаки, давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони туфайли ҳаётда билиб-билмай адашган ўнлаб инсонлар оиласи бағрига қайтарилди.

Жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар билан бевосита мулоқот қилиш ва уларнинг ҳар бири бўйича берилажак хулоса холис бўлишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия тавсиясига биноан жами 9 та ишчи гуруҳи тузилди ва улар таркибига ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, Омбудсман ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари киритилди.

Комиссия тавсиясига кўра, гуруҳимиз аъзолари иштирокида Тошкент вилоятининг Зангиота ва Бўстонлиқ туманлари, Тошкент шаҳридаги жазони ижро этиш муассасаларидаги шахслар билан суҳбатлашилди. Шу жараёнда уларни ёлғизлатиб қўймаслик, иш ўринлари билан таъминлаш, турмушини ўнглаш ва фарзандлари тарбияси билан шуғулланиш имкониятини яратиб бериш борасида кўрилаётган чоралардан хабардор қилинди.

Бугун бу шахслар озодликка чиқди, эндиликда уларга ҳар томонлама кўмак бериш асосий вазифамиз бўлади.

Фармонга биноан **65 нафар** фуқаро афв этилди.

**Шундан**

▶**17 нафар шахс** жазодан тўлиқ озод қилинди,

▶**13 нафари** муддатидан олдин шартли равишда озодликка чиқарилди,

▶**20 нафари**га тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилди.

Умуман, **50 нафар юртдошимиз** ота-онаси, фарзандлари, қисқача айтганда, оиласи бағрига қайтди.

**Феруза ЭШМАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Бу Фармон суд-ҳуқуқ соҳасидаги халқаро стандартларга мос бўлиб, халқимизга хос бағрикенглик, адолатлилик ва кечиримлилик фазилатларини ўзида мужассам этгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Натижада 65 киши озод қилинди. Эндиликда улар билдирилган ишончни оқлаши, юртимизда олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатларга дахлдорлик ҳисси билан яшаши, оиласи фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилиши лозим. Ҳеч қачон олдин қилган хатоларини қайта такрорламасдан, ҳаётга янгича қараш билан ёндашиши, таъбир жоиз бўлса, ҳаммасини бошидан бошлашлари керак. Бу борада биз, депутатлар ҳам яқин кўмакчи, холис маслаҳатчи бўлишга тайёрмиз.

**Тожибархон ЮЛДАШЕВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси, Хўжаобод туманидаги “Шаҳрихонсой” МФЙ раиси:**

— Давлатимизнинг ўзи йўлдан адашганларга имкон бериб, уларнинг жамиятдаги ўрнини топиб олишларига шароит яратиб бераётган бир пайтда кенг жамоатчилик ҳам бефарқ қараб турмайди. Яъни ҳар бир жазодан озод этилган фуқаро эътиборда бўлади, уларни иш билан таъминлаш, соғлиғини тиклаш борасида қайғурилади. Фармон асосида озод этилганлар орасида 4 нафар аёл, бир нафар 60 ёшдан ошган шахс ҳамда тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган 39 нафар фуқаро борлиги ҳам бу борадаги ишларни изчил амалга оширишни талаб қилади. Уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишларига кўмаклашиш давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шу жумладан, маҳаллалар фаолларининг ҳам муҳим вазифасидир.

**Хуршид ИСРОИЛОВ:**

— Озодликнинг қадри нечоғли баланд эканлигини жазони ижро этиш муассасасида эканимда яққол ҳис этдим. Оиладан, ёру биродарлардан узоқда яшаш жуда оғир. У жойда эканман, шулар ҳақида обдан ўйлаб, керакли хулосалар чиқардим. Юртбошимиздан миннатдорманки, менинг тузалиш йўлига ўтганим ҳисобга олиниб, жазодан озод қилиндим. Бу, ўз навбатида, елкамга катта масъулият юклашини ҳам англаб турибман. Бундан кейинги ҳаётим давомида шу ишончни оқлаш учун астойдил ҳаракат қиламан.

**Азим ҚОСИМОВ:**

— Умримнинг 9 йилини оилам, фарзандларимдан олисда, панжара ортида ўтказдим. Бу йиллар қанчалар оғир кечганини ўзим ва Парвардигор билади. Қилган хатоларим учун чин дилдан пушаймонман. Шуни инобатга олиб, мени афв этганликлари учун бир умр миннатдорман. Бундан кейинги умримни мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссамни қўшишга бағишлайман. Бошимдан ўтган синовлардан чиқарган хулосам шуки, озодликнинг, оила, дўсту ёрлар даврасидаги ҳар бир куннинг қадрига етиш керак экан...

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# Ватанпарварлик, шон-шараф ва мардлик тимсоллари



**29-30 август — “Буюк хизматлари учун”, “Фидокорона хизматлари учун”, “Меҳнат шуҳрати”, “Шон-Шараф”, Жалолиддин Мангуберди орденлари таъсис этилган кунлар.**

## Сана

Эл-юрт тинчлиги, осойишталиги, халқнинг фаровон ҳаёти, ёрқин келажаги учун меҳнат қилганлар, фидойилик кўрсатганлар доимо эъзозланган.

Бугун ҳам ўз салоҳияти, истеъдоди билан Ватанимиз равнақига, унинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалишига катта ҳисса қўшаётган юртдошларимиз муносиб рағбатлантириб келинмоқда.

Мамлакатимизда фан-техника, иқтисодиёт ва маданият, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсини ошириш, мудофаа қудратини кучайтириш ва миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамиятда тинчлик-барқарорликни, миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшган, ўзининг истеъдоди, билим ва тажрибасини Ватанимиз равнақига бахш этиб, фидойилик намунасини кўрсатиб келаётган Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий давлатлар фуқаролари “Буюк хизматлари учун”, “Фидокорона хизматлари учун”, “Меҳнат шуҳрати” орденлари билан мукофотланяпти.

Жалолиддин Мангуберди мураккаб бир даврда тарих саҳнасига чиққан, Ватан тақдири, озодлиги учун жон фидо қилган халқимизнинг асл миллий қаҳрамонидир. Истиқлол йилларида ушбу улуғ аждодимизнинг хотирасини абадийлаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 2000 йил 30 август куни Жалолиддин Мангуберди орденининг таъсис этилиши буюк саркардага ҳурмат-эҳтиром рамзи бўлиш билан бирга, Ватан сарҳадларини, она юртимиз тупроғини, мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда, уни кўз қорачиғидай асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намунасини кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчиларининг садоқатига, шарафли ва масъулиятли меҳнатига берилган юксак баҳо бўлди.

Жалолиддин Мангуберди ордени билан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар, ҳарбий бўлинмалар, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам тақдирланиши мумкин.

“Шон-Шараф” ордени билан ҳам Ватанимизни ҳимоя қилишда фидойилик ва мардлик кўрсатган, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини ҳамда миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда катта хизмат қилган юртдошларимиз тақдирланмоқда.

Эл-юрт озодлиги, тинчлиги йўлида қилинган ҳар бир иш, жасорат ва матонат халқнинг ёдидан ўчмайди, тарих зарварақларига муҳрланади. Халқимиз ана шундай қаҳрамонлари билан ҳақли равишда фахрланади, уларнинг номларини улуғлаб, авлоддан-авлодга етказади.

**«Халқ сўзи».**

# 26 ЙИЛ ОЛДИН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ЗАРУРАТИ ТУҒИЛДИ

*Шу кунларда парламент қуйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзолари ҳамда “Ўзстандарт” агентлиги мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда.*

## Парламент ҳаёти

Ушбу саъй-ҳаракатлар замирида соҳага доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш эҳтиёжи муҳим ўрин эгаллайди. Амалдаги Қонун 1993 йилда қабул қилинган бўлиб, унда 16 ҳаволаки норма мавжуд эди. Бугунги кунда мазкур ҳужжат метрология бўйича халқаро талабларга мос келмаслиги натижасида миллий аккредитация тизимини халқаро даражада тан олишга имкон бермаяпти ҳамда саноатнинг барча тармоғида юқори аниқликка эришиш йўлида тўсиқ турибди. Шу боис уни такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида бўлиб ўтаётган муҳокамалар жараёнида ушбу масалалар айни нуқтаи назардан қайта танқидий кўриб чиқиляпти.

Мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан қабул қилинган бўлса-да, қиёсий таҳлил асосида, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, тизимли равишда муҳокама қилинмоқда. Хусусан, иккинчи ўқишга тайёрланаётган лойиҳанинг “Ўлчаш воситаларини калибрлаш” тўғрисидаги 27-моддасига ўлчаш воситаларини калибрлаш бўйича давлат-хусусий шериклик асосида метрология хизматлари ташкил этилиши мумкинлигига доир норма киритилаётир.

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан ушбу соҳада олиб борилаётган сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири, бу давлат бошқаруви монополиясидан воз кечган ҳолда, бозор ислоҳотларига ўтиш, яъни хусусий секторни ривожлантириш ҳисобланади. Бироқ амалдаги Қонунда ўлчаш воситаларини калибрлаш ваколати фақат давлат метрология хизматига берилган. Демак, бу борада ривожланган давлатларнинг эришган ижобий натижаларини инобатга олган ҳолда, тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ.

Яна бир эътиборли жиҳат борки, унга ҳам тўхталиб ўтиш ўринлидир. Яъни мазкур қонун лойиҳаси билан миллий эталонларни тизимли равишда халқаро эталонлар билан солиштириб бориш мажбурийлиги ўрнатилмоқда. Бу, ўз навбатида, халқаро амалиёт билан уйғунлашувни, саноат тармоқларида ўлчов воситаларининг аниқлигини амалда таъминлайди.

Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар миллий аккредитация тизимининг халқаро даражада тан олинишига имкон яратиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорларида муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади. Шу билан бирга, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, хизматлар хавфсизлигини ошириш масалаларида истеъмолчилар ҳуқуқлари ва давлат манфаатларини ҳимоя қилади.

**Қутлимурат БАБАШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК ТАРАФДОРИ

*Пойтахтимизда “Маҳатма Ганди фалсафий таълимотларидаги халқ дипломатияси” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Тадбир Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги халқ дипломатияси маркази, Ҳиндистон Республикасининг юртимиздаги элчихонаси ва Тошкент давлат шарқшунослик институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.*

## Тадбир

Унда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг илмий-эксперт доиралари, дипломатик корпус вакиллари, жамоат ташкилотлари, профессор-ўқитувчилар қатнашди.

Давра суҳбатида халқ дипломатиясининг фалсафий таълимотлардаги ўрни ва Маҳатма Ганди меросининг аҳамияти ҳақида сўз юритилиб, олимлар ҳамда мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Маҳатма Ганди ўттиз йилдан кўпроқ вақт давомида ўзининг тинчлик ва барқарорлик, яратувчанликка ундовчи фалсафасини тарғиб қилган. Ҳинд жамиятининг маънавий янгиланишига катта ҳисса қўшган.

Ўзбекистонлик шарқшунос мутахассислар Ганди таълимотини ўрганиш бўйича илмий изланишларни давом эттираётгани ва ўз натижаларини кенг жамоатчиликка мунтазам равишда тақдим этаётгани ҳам алоҳида таъкидланди.

Семинар доирасида “Маҳатма Гандининг ҳаёти” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ташкил қилинган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги халқ дипломатияси маркази мамлакатлар ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган бу каби лойиҳаларни давом эттириши мақсадга мувофиқ эканини айтиб ўтишди.

**Мафтуна АЗИЗОВА.**

## Бунёдкорлик

# ГЭС фаолияти қайта йўлга қўйилди

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллик байрами арафасида Жанубий Фарғона каналидаги биринчи гидроэлектр станциясини модернизация қилиш ишлари якунланиб, экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарувчи иншоот фаолияти қайта йўлга қўйилди.*

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда айтилганидек, бугунги кунда “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти томонидан 30 га яқин инвестициявий лойиҳалар асосида ҳудудларда янги ГЭСлар қуриш, мавжудларини модернизациялаш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент вилоятида “Туябўғиз” кичик ГЭСи, Наманган вилоятида Катта Фарғона канали ГЭСлар каскади фойдаланишга топширилди.

Жанубий Фарғона каналидаги 1-ГЭСда бажарилган бунёдкорлик юмушлари ушбу йўналишдаги тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур иншоот 1965 йилда ишга туширилган бўлиб, технологик жиҳатдан эскириб қолган эди. Шу боис 2018 йил январь ойида модернизациялаш тадбирларига киришилди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 5,81 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Унинг 4,37 млн. АҚШ доллари Жаҳон банки маблағлари, қолган қисми эса “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан молиялаштирилди. Пировардида қуввати 2,2 МВтга тенг бўлган ГЭС муддатидан олдин модернизация қилиб бўлинди.

ГЭСни ишга тушириш маросими доирасида Булоқбоши туманидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож 21 оила фарзандларига хатна тўйлари қилиб берилгани алоҳида эътиборга моликдир.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**

# «ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ»ДАН ЯНГРАЁТГАН СЕҲРЛИ НАВОЛАР

*Самарқанд шаҳрида “Шарқ тароналари” XII халқаро мусиқа фестивали доирасида “Шарқ халқлари анъанавий мусиқа санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.*



*Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.*



Тадбирда Шарқ халқлари мусиқа санъати тарихи, ўзига хос анъаналари ва бугунги истиқболларини ўрганиш, тарғиб қилиш инсон онгу қалбига маънавий таҳдидлар кучайган бугунги кунда ғоят долзарб аҳамият касб этиши таъкидланди.

Конференцияда Шарқ мусиқасининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ долзарб муаммолар, “Устоз — шогирд” анъаналари, қадимий мусиқа санъатини авайлаб асраш масалалари муҳокама қилинди. Унда АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Корея Республикаси, Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Франция, Норвегия, Молдова давлатлари ҳамда юртимиздан 30 га яқин санъатшунос ва тарихчи олимлар, бастакорлар қатнашди.

Молдовалик Федор Занетнинг гагауз халқининг миллий байрамлари ва ёмғир чақириш маросимларида ижро этиладиган қўшиқлари, америкалик олим Конни Заонинг мўғулларнинг чўл қўшиқлари, қозоғистонлик Айгуль Байбекнинг қозоқ анъанавий ижрочилиги ва миллий мусиқа асбоблари ҳақидаги чиқишлари кўпчиликда ёркин таассурот қолдирди.

Шунингдек, ўзбекистонлик олимларнинг ўзбек анъанавий мусиқаси ривожланиш босқичлари, Ҳусайний мақом йўлларининг ўзига хослиги, Бухоро шашмақоми тўғрисидаги илмий қарашлари ҳам катта қизиқиш билан қабул қилинди.

Анжуманда соҳага оид адабиётлар тақдимоти ўтказилди ва конференция декларацияси қабул қилинди.

Самарқанд шаҳридаги кўҳна Регистон узра янграган қадим оҳанглар вилоятнинг турли туманларида ҳам акс садо бермоқда. Чунончи, халқаро фестиваль дастурлари эндиликда вилоятнинг чекка туманларида ҳам давом этмоқда. Бу, албатта, ҳудуд аҳли, айниқса, ёшлар учун ўзига хос мусиқа байрамига айланиб кетди.

## Сўз — фестиваль иштирокчиларига

**Павел ЛЕВАНДОВСКИ,**
**Польша Республикаси маданият ва миллий мерос вазири ўринбосари:**

*— Аввало, мазкур санъат байрамига таклиф этишгани учун Ўзбекистон раҳбариятига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этаман. Самарқанд, чиндан ҳам, мўъжизавий шаҳар экан. “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали эса ушбу гўзал кентнинг ўзига хос “ташриф қоғози”га айланган. Мамлакатимиздан ҳам турли ансамбллар мазкур санъат байрамида иштирок этаётганидан фахрланамиз.*

*Ушбу тадбир доирасида Самарқанд вилоятининг турли туманларида бўлиб, халқингизнинг турмуш тарзи ва маданияти билан яқиндан танишяпмиз. Халқингизнинг нақадар меҳмондўст, маданияти бой, айниқса, санъатга ошуфталигини кўриб, ҳайрат ва ҳавасимиз янада ортди. Бу ерда олган таассуротларимиз бир умр хотирамизга муҳрланиши, шубҳасиз.*

**Неда МОРАДИ,**
**“Қалб садоси” гуруҳи қўшиқчиси (Эрон Ислом Республикаси):**

*— Фестивалдаги иштирокимизда Эрон халқ оғзаки ижоди намуналаридан ижро этмоқчимиз. Бизнинг гуруҳ фақат аёллардан иборат бўлиб, тайёрлаб келган қўшиқларимиз муҳаббат, икки ошиқ севгиси ҳақида. Гуруҳимиз аъзолари ҳам куйлаб, ҳам соз ижро этишади. Биз чаладиган дутор, доира, рубоб каби мусиқа асбоблари ўзбек миллий чолғу асбобларига ўхшайди.*

*Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги босқичда ривож топяпти. Халқларимизнинг дўстона алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётир. Бу маданий алоқаларимизда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Гуруҳимиз билан нуфузли мусиқа анжуманида қатнашаётганимиз сўзларимиз тасдиғидир.*

**Ким Юн ЧУЛ,**
**“Конги” миллий фольклор жамоаси аъзоси (Жанубий Корея):**

*— “Шарқ тароналари” кўплаб давлатларнинг маданияти, қадриятларини, мусиқа меросини ўзида акс эттирган бетакрор фестиваль. Халқларни бирлаштиришда, ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашда аҳамияти беқиёс. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу тадбирнинг тантанали очилиш маросимида таъкидлаганидек, анжуман турли цивилизациялар, халқлар ва миллатлар ўртасида ўзига хос маданий ҳамкорлик ҳамда мулоқот майдонидир.*

*Давлатингиз раҳбарининг сермазмун фикрлари қалбимдан мустаҳкам жой олди. Эндиликда ушбу нуфузли анжуманда янада кучли иштиёқ билан қатнашишга интиламиз.*

*Очиғини айтсам, Самарқанддаги мазкур мусиқа фестивалига келдиму юртингизнинг бой маданий тарихи ривожлангани, дунё ҳамжамияти саҳнасида ўзининг алоҳида ўрнига эга эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Халқингизнинг эса самимийлиги, меҳмондўстлигидан бошим осмонга етди. Биз Ўзбекистон билан маданий ришталаримиз бардавом бўлиши тарафдоримиз.*

**«Халқ сўзи».**

## Китоб жавонингизга

# «Истеъдодли инсонлар мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир»





Китоблар бор, ўқишни бошлаб беш, олти..., ўн..., нари борса, йигирма бетдан нари ўтолмайсиз. Китоблар бор, беихтиёр “ичига кириб” кетасиз, ўқиб чиқиб, дилингиз яйрайди, маънавий озиқ оласиз.

Янги нашр этилган “Истеъдодли инсонлар мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир” китоби ана шундай қизиқарли нашрлар сирасига киради. Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Муртазо Раҳматов, биология фанлари доктори, профессор, академик Бакриддин Зарипов ҳаммуаллифлигида чоп этилган ушбу китобда эндигина мустақилликка эришган қолоқ бир давлатни қисқа муддат ичида дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бирига айлантира олган Ли Куан Юнинг “Сингапур мўъжизаси” ҳақида ҳикоя қилинган.

Илму фанга эътибор, жамиятда муаллимларнинг мақомини кўтариш, коррупцияга қарши курашиш, тадбиркор ва инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатнинг туризм салоҳиятини кўтариш, қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва бошқа кўплаб устувор вазифаларни амалга ошириш борасида Сингапур тажрибаси ҳақида тасаввурга эга бўлиш фойдадан холи бўлмайди. Мазкур рисола айни шу жиҳатдан асқатиши, шубҳасиз.

# Ўзбек ёзувчисининг асари АҚШда нашр этилди





Ўзбек ёзувчиси Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романи АҚШнинг нуфузли “Mazda Publishers” нашриёти томонидан инглиз тилида китоб ҳолида чоп этилди ҳамда айни пайтда ҳам АҚШда, ҳам халқаро “Amazon” интернет савдо майдончасида ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди. Китобга таржимон, Мичиган университети фан доктори (PhD) Кристофер Форт, Огайо университети доктори Морган Лю ҳамда муаллифнинг ўзи сўзбоши ёзган.

Ёзувчи Исажон Султоннинг ушбу романи 2011 йилда “Шарқ юлдузи” журналида босилгач, “Ўзбекистон” ва Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари томонидан китоб ҳолида чоп этилган ҳамда ўзбек адабий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотганди.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги жамоаси Жиззах ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати директори

**Анвар Ақилович РАФИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 50 603 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.00 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5 6